



209

НОКИМИ

ҲОКИМИ

ҚАРОР - ҚАРОР

2010 yil "29" ноябр

№ 1499-К
Samarqand tumani

“Вилоят “Хайрли ният» жамғармасига “Кўштамғали” кишлоқ фуқаролар йиғини “Чумчуқли” маҳалласи ҳудудидан тадбирларни ўтказиш клуби ва спорт майдончаси қуришга қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисида”

Вилоят “Хайрли ният” жамғармасининг туман ҳоқими номига хат билан мурожаат қилиб, туман ҳоқимининг 2006 йил 5-сентябрдаги 1490-Қ сонли қарори асосида “Кўштамғали” кишлоқ фуқаролар йиғини “Чумчуқли” маҳалласи ҳудудидан ажратилган ер майдони ёнидан тадбирларни ўтказиш клуби ва спорт майдончаси қуриш учун қўшимча ер майдони ажратишни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертиза хулосаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномасини ҳамда туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 17 ноябрдаги 145 сонли баённомасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20 моддаси ва “Ер кодекси”нинг 23 моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоятдаги “Хайрли ният” жамғармасига “Кўштамғали” кишлоқ фуқаролар йиғини “Чумчуқли” маҳалласи ҳудудидан тадбирларни ўтказиш клуби ва спорт майдончаси қуриш учун қўшимча 0.06 га кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Вилоят “Хайрли ният” жамғармасига тадбирларни ўтказиш клуби ва спорт майдончасини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”га асосан ер солиғини ундириш ва туман захира ер балансига ўзгартириш киритиш ҳамда ер майдонларига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатига олиб, тегишли давлат ҳужжатларини бериш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов) га топширилсин.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими

Б.Садуллаев